

## Қарзни тезроқ тўлаш

Image not found or type unknown



14:12 / 06.11.2024 1496

هَلْ لَّا يَضْرَعُ زَيْرُهُ يَبَا نَع  
هَلْ لَّا يَلْصَقُ يَبْنَلَا نَع، هُنَّ  
سُفَنَ لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع  
يَّتَحِ وَنِي دِبُّ هَقْلَعُم نَمُومَلَا

# يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا .دَمَحْ اَوْ هَجَامٌ نُّبَاو

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Мўминнинг руҳи то қарзини адо қилмагунча қарзига боғлиқ бўлиб туради», дедилар».**

*Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Мўмин кишининг қарзи бўлса, ўлганидан кейин унга жаннатдаги макони кўрсатилмай турар экан. Қачон қарзи узилса, ўшандан кейингина кўрсатилар экан. Бунда эса ўзига яраша қабр азоби бор. Бировнинг ҳаққи шу даражада аҳамиятли. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам қарзи борларга ўзлари жаноза ўқимаган ҳоллари бўлган.

Бундан ким қабрда ноқулай ҳолга тушиб қолмай, деса, тириклигида ўзида бирор кишининг ҳаққи қолмаслиги учун ҳаракат қилиши лозим.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**